

Ўзбекистон Республикаси
Андижон вилояти
Улугнор тумани
**ХОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**
Улугнарского района
Андижанской области
Республики Ўзбекистон

170900, Ўзбекистон Республикаси, Андижон
вилояти, Улугнор тумани, «Ок олтин» к.
тел. 2008125, 7611125

170900, Республика Ўзбекистон, Андижанская
область, Улугнарский район, «АК алтын» к.
тел. 2008125, 7611125

16.09.2020 йил

№ 322-к

**Улугнор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож,
иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг
шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни
ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил
учун банд қилиб қўйиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон)га мувофиқ, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига асосан туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2020 йил 10 август кунги 01-11-94-сонли хати инобатга олинсин.

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 2709 нафарни ташкил этадиган 9,6 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,5 фоиз (94,5 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиши бўйича талаб 4 та бўлганлиги сабабли келгусида 90,5 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун) банд этиб қўйилсин;

умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,1 фоиз (85 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 0,3 фоиз (7,5 киши);

пенсия олди ёшидаги шахслар учун 0,6 фоиз (16 киши);

сафарбарлик чақирuvi заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун 1 фоиз (27 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 1 фоиз (26 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,2 фоиз (4,5 киши) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари; сафарбарлик чақирув заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига

тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсия олди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малака талаб этмайдиган иш ўринлари; жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малака талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малака талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар: муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭХМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2021 йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунига қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилининг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи якунида 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида маълумот тақдим этсин; ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида маълумот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг

амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши қайд этилсин.

Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан “Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламига мансуб шахсларни квоталанган иш ўрнига белгиланган сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган ташкилотларга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида субсидия ажратилади.

6. Туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Авазбекова) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин.

8. Мазкур қарор “Улугнор” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтыга жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор 2021 йил 1 январ кундан бошлаб кучга киради.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 13 сентябрь кунги 1372-қ-сонли қарори 2021 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Набиев) ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори (О.Авазбекова) зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими



Д.Махсудов